

36-МАКТАБДАГИ

Нимагадир кейинги пайтларда ўқитувчилар обрўсига бир оз путур етгандай бўлди. Кўпчилик ўзини тижоратта урганида ҳам ушбу касб эгалари маошига шукр қилиб яшади. Касбига ҳибнат қилмай, миллатнинг келажаги учун хизмат қилади ва қилмоқда. Аммо бозор иқтисодиёти деган нарса уларнинг турмуш тарзига ҳам таъсир қилмай қолмади.

3-бет

НОРСОНИК

СЎНГИ СЎЗНИ СУД АЙТАДИ. КЕЙИН-ЧИ?..

Ҳақиқатан ҳам суд органлари ҳужжатларининг ижроси таъминланаётими? Бу борада қандай муаммолар бор?

4-бет



6-бет

...инсоннинг тубанлик сари қадам қўйиши ҳеч бир ақл чегарасига тўғри келмайди.

Alla, Alla, Kuzalok!



УРУШГА ҚАРШИ
НАМОЙИШЛАР

7-бет

Mustaqillik huquq demakdir

НУШУШУ

03
(266)

YURIDIK GAZETA

Yanvar					
D	6	13	20	27	
S	7	14	21	28	
Ch	1	8	15	22	29
P	2	9	16	23	30
J	3	10	17	24	31
Sh	4	11	18	25	
Y	5	12	19	26	

2003

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqq boshlagan.

E-mail: huquq@Infonet.uz



Qariyalar - Maqalla Kurki

Маҳалланинг ҳаётимиздаги мавқеи юксак, унинг қонуний, ҳуқуқий асослари ҳар томонлама мустаҳкам бўлиб ривож топса, бу идорани жамиятимиз сиёсий-иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ажралмас бир қисми, қўйи бошқариш тизими сифатида нечоғлиқ кучайтирсак, бунинг учун барча моддий-молиявий шароитларни ташкил қилиб берсак, ўйлайманки, бу ўз олдимизга қўйган олий мақсадларга эришиш йўлида катта қадам бўлади.

Ислом КАРИМОВ

Чоршанбадан Чоршанбагача

15 январь
Мамлакатимизга ташриф буюрган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия кўмитаси раиси Юрий Яров бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ў.Султонов билан учрашди.

16 январь
Ўзбекистон Республикаси Президенти «Ф.С.Кудратовни Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг раиси этиб тайинлаш тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мажлиси бўлиб ўтди. Мазкур суд раиси Б.Мустафоев бошқарган ушбу йиғилишда Конституциявий суднинг ўтган йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот ва жорий йилнинг биринчи ярмидаги иш режаси ҳақидаги ва бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий мажмуида 2002 йил янрунлари муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

17 январь
Вазирлар Маҳкамаси Қурилиш, қурилиш материаллари саноати, уй-жой-коммунал хўжалик ва транспорт мажмуининг, Алоқа ва ахборот-телекоммуникация технологиялари масалалари ҳамда Ёқилги энергетика мажмуининг 2002 йил янрунларига бағишланган мажлислари бўлиб ўтди.

Дунёдаги ривожланган мамлакатлар аҳолиси турмуш тарзига назар ташласангиз, қонуनларни устувор деб тан олиш хисси уларнинг қон-қонига сингиб кетганига амин бўласиз. Бундан чиқарадиган хулосамиз битта: қонунларга сўзсиз риоя қилиб яшаган жамият гуллаб-яшнайд. Бунинг учун эса уларни мукамал билмоқ керак. Бу борада юртимизда талай ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Президентининг 2001 йил 4 январдаги Конституцияни ўрганишни ташкил этиш тўғрисидаги фармойиши ижросини таъминлаш, аҳоли ўртасида қонуларни кенг тарғиб қилиш мақсадида тахририятимиз «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 10 йиллигига» ижодий танловини эълон қилган эди. Танлов яқунлари тўғрисида

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ



Суратда: танлов ғолиблари (чапдан) А. Иброҳимов (1-ўрин), Ф. Ёлғорова (2-ўрин) ҳамда И. Йўлдошев (3-ўрин).

газетамизнинг 2002 йил 25 декабрдаги сонида хабар берган эдик. 2003 йил 17 январь кун тахририят биносида танлов ғолибларига мукофотларни топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда «Қонун ҳимоясида» бирлаш-

ган тахририяти бош муҳаррири Абдуҳалиқ Абдураззоқов, Республика Бош прокуратураси қонуларни муҳасамлаштириш ва ҳуқуқ тарғиботи бўлими бошлиғи Светлана Ортиқовалар сўзга чиқиб, ғолибларни кутладилар.

Мукофотланганлар номидан ёзувчи Абдуқаҳор Иброҳимов сўзга чиқиб, ҳуқуқий маданият тарғиботи бугунги кунда долзарб аҳамият касб этишини айтиб, тахририятнинг бу борадаги фаолиятига муваффақият тилади. Таъкидлаш жоизки, танловга ҳуқуқшунос олимлар, прокуратура ходимлари, республика оммавий ахборот воситаларида меҳнат қилаётган журналист ва адиблардан жами 60 дан зиёд турли жанрдаги материаллар келди. Уларнинг 51 таси газета ва журнал саҳифаларида эълон қилинди. Тахририятимиз бундан кейин ҳам ҳуқуқий мавзудаги материалларни чоп этишни режалаштирган. Ана шу мақсадда барча муштарийларимизни ҳамкорликка чорлаймиз.

Тахририят

ЙИЛ ЯҚУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўтган ҳафтада Хоразм вилояти прокуратураси органларининг қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашни ташкил этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этиш борасида 2002 йилдаги фаолияти яқунлари тўғрисида кенгайтирилган ҳайъат мажлиси

бўлиб ўтди. Унда вилоят прокуратура органларининг бу борадаги фаолияти ва йўл қўйган камчиликлари хусусида сўз борди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

(Ўз муҳбиримиз)

Моҳият

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоху анху ривоят қиладилар: «Бирор нарса сотишда ёки харид қилишда ёхуд бирор ҳукм чиқаришда олижаноблик кўрсатган одамни Аллоҳ таоло ўз раҳматида олур», — дедилар.

(Имом ал-Бухорийнинг «Солиҳ амаллар» китобидан)

MUSOHABA

— Мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий давлатчиликни шакллантириш, ҳуқуқий демократик давлатга эва бўлган фуқаролик жамиятини қарор топтириш каби улғур орзулар билан 2003 йилга ҳам қадам қўйди. Айни кунгача қилинган ишлар ва оқимизда турган муҳим вазифаларни ҳис этиб турибмиз.

Мэлс Ибномович, юрт келажак учун пойдевор қўйлаётган бугунги ислохотлар Ўзбекистонни Ватан деб билган ҳар бир инсонда, соғлом фикрли шахсда масъулият ҳиссини уйғотиши табиий. Сиз ана шу жараённи қандай изоҳлайсиз?

— Бугун ҳар бир юртдошимиз мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида олиб борилаётган ислохотлардан қўланган мақсад адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш, пировардида ўзимиз ва келажак авлод учун муносиб турмуш тарзини яраттишдан иборат эканлигини англаб етмоқда.

Мустақиллик йилларида эркин фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш, жамиятга бозор иқтисодиётини татбиқ этиш борасида салмоқли ишлар қилинганини эътироф этиш керак. Буни биргина қонунчилик ва ҳуқуқий соҳа мисолида ҳам кўриш мумкин. Давлат идораларининг, шу жумладан, ҳуқуқий муассасаларнинг изчил тизими шаклланиб келмоқда. Демократик институтларни ҳаётимизга олиб кирувчи ва бозор муносабатларини маданий кийефда жорий этишга имкон берувчи қонунлар мажмуи яратилди.

Ватан олдидаги масъулият ҳисси ҳақида сўрайсиз. Буни бир сўз билан ватанпарварлик туйғуси дейишимиз мумкин. Чунки ватанпарварлик Ватаннинг бугунги ва келажак, ҳатто ўтмиши учун ҳам қайғуриш, жон куйдиришдан бошқа нарса эмас. Айнан мана шу туйғу юртинг буюк келажакни таъминлайди.

Муайян шахсдаги ватанпарварлик туйғусини унинг мамлакат қонунларига бўлган ҳурматида ҳам кўриш мумкин. Зеро, биз қонун устувор бўлган овоз шахслар жамиятини қуриш йўлидан бормоқдамиз.

— Шу ўринда шахс эркинлиги ҳақидаги фикрларингизни баён этсангиз...

— Инсоннинг барча соҳада ўз ҳуқуқ ва имкониятларидан тўла фойдалана олиши, бурчларига содиқлиги уни овоз

Ватанпарварлик — масъулият демак

шахсга айлантиради. Овоз ва эркин шахсни эса бошқаришга зарурат йўқ. Фуқаролик жамиятининг асосий мезонларидан бири ҳам овоз шахсдир.

— Назаримда, бугун айрим юртдошларимизда ватанпарварлик туйғуси етишмаётгандай...

— Инкор этмайман, шундайлар қаторига тараққиёт ва ислохотлар ривожига тўсиқ бўлишга уринаётганларни, қонунларга зид хатти-ҳаракатлар содир этиб, жазосини тортаётганларни ҳам киритиб қўлади.

— Сўхбатимиз мавзуси ўз-ўзиндан ҳуқуқ-тартибот, жиноят ва жазо масалаларига қараб бораяпти. Турган гапки, юртдошларимизни Тошкент шахридаги қримногени вазият, пойтахт прокуратурасининг бу бордаги фаолияти қизиқтиради.

— «Адолат ва ҳақиқат гоёси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмоғи зарур», — деган эди Президент Ислам Каримов. Шу маънода, шаҳар прокуратураси пойтахтимиздаги қримногени вазиятини соғломлаштириш, жиноятчиликка қарши кураш борасида бошқа ҳуқуқни муҳофаз қилиш идоралари билан ҳамкорликда изчил фаолият олиб бормоқда.

2002 йилда пойтахт ҳудудида умумий жиноятчилик олдинги йилга нисбатан 4,7 фоизга қўлланган бўлса-да, оғир ва ўта оғир жиноятлар сезиларли даражада қайтарилди. Қидирувда бўлган шахсларнинг 42,3 фоизи ушланган ва жиноятчи жазо муқаррарлиги таъминланган. Шу ўринда ушбу йўналишда йўл қўйилаётган қатор камчиликларни ҳам айтиб ўтиш ўринлидир. Зеро, давр ҳар бери миздан фаолиятимизга танқидий ёндашувни талаб этмоқда. Қидирувдагиларни топиш ва ушлагга қаратилган тadbирларда хато ва нуқсонларга ҳам йўл қўйилмоқдаки, уларга зудлик билан барҳам берилиши зарур. Қўллаб тadbирлар режаси вазиятдан келиб чиқмаган

Тошкент шаҳар прокурори, 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Мелс Наимов билан суҳбат

хотлатда тузилганлиги сабаб ҳеч қандай натижа бермаган. Бундан ташқари қидирув материалларини тегишли идораларга кеч юритиш, тезкор ишларни ўз вақтида юритмаслик каби нуқсонлар ҳам учраб турибди.

Биргина мисол: ЖКнинг 169-моддаси 4-қисми билан айбланувчи Т.Ортиқовга нисбатан қидирув иши Юнусобод туман ИИБ томонидан белгиланган муддатдан 13 кун ўтганидан сўнг ҳисобга қўйилиб, юритилган.

Қидирувдагиларни ушлаш борасида самарасиз тadbирлар ўтказиш, вазифага юзак ёндашиш каби камчиликлар деярли барча туман ИИБлари фаолиятида мавжуд.

Маълумки, ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик жамият барқарорлиги ва оқилолигига таҳдид солувчи, уларга муте бўлиб қолганларни эса муқаррар жиноят қўчасига бошловчи иллатлардандир. Ўтган йили шахримизда 3008 нафар ичкиликбоз ва 2736 нафар банги нарколегия диспансерларида рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг муомала лаёқатини чеклаш ҳақида судларга 133 та давво аризаси киритилган. Шу ўринда яна бир нарсасга эътиборингизни тортмоқчиман: гиёҳвандликка қарши курашга кучли эътибор қаратилган бир пайтда ичкиликбозлик иллатига қарши курашга иккиламчи вазифа сифатида қаралаётгани оқибатида маст ҳолда жиноят содир этиш 1,4 фоизга ошган.

Прокуратура ва ички ишлар идораларида тергов устидан назоратнинг кучайтирилиши натижасида тергов

қўрсаткичлари яхшиланишига эришилди. Жиноят ишларини қўшимча терговга қайтариш ҳолатлари қаймади.

Бир сўз билан айтганда, шаҳар прокуратураси «Прокуратура тўғрисида»ги Қонун, Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари, Бош прокурорнинг буйруқ ва кўрсатмалари асосида, ҳуқуқни муҳофаз қилувчи бошқа идоралар билан ҳамкорликда юртимиз осойишталиги йўлида бор имкониятларини ишга солапти. Шаҳар прокуратураси кейинги йилларда жамоат ташкилотлари, хусусан, маҳаллалар билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқда.

— Маҳалла ҳақида сўз очдингиз, бошланг йилнинг «Обод маҳалла йили» деб номлангани барчамиз учун айни мuddао бўлди, менимча. Демократизм, бу маҳалла аҳлидан, фаоллардан тортиб давлат идоралари, хусусан, прокуратура учун ҳам ўзига хос аҳамият касб этади.

— Тўғри. Маълумки, демократия — бу халқ бошқаруви бўлиб, унда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш тизими муҳим аҳамиятга эга. Бизда бу тизимнинг қадимий ва ўзига хос қўрнини — маҳалла институти мавжуд ва ҳукуматимиз беҳис маҳаллага фуқаролик жамиятининг негизи сифатида қарамайлапти.

Маҳалла ўз моҳияти, фаолияти ва шакллари билан халқимизнинг ўзига хослигини акс эттиради. Ҳўқорида фикр юритганимиз ватанпарварлик туйғусини шакллантиради. Осойишталикни, меҳнатга рағбатни, ҳамжихатликни таъминлайди, шу асосда жиноятчиликнинг

турибди. Қолган хоналар қишлоқ ёшларининг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун стол теннис ва бильярд хоналарига айлантирилмоқда.

Бундай бунёдкорлик ишлари ўзи-ўзидан бўлмаслигини кўпчилик яхши тушунади. Шу боисдан ҳам кўча-қўйда, гап-гаштакдаги суҳбатлар орасида таниқли ҳуқуқшунос Аҳадхон ака Жамолонинг беғараз ташкилотчилиги бот-бот тилга олинади.

Дарвоқе, тумандаги 106-мактабда бўлганимизда яна бир хайрли иш ҳақида эшитиб қолдик. Қишлоқ марказида

олдини олишни ўз фаолиятида жамлайди. Тажрибада ҳам кўриб турибмиз, маҳалла қўмиталари ўз вазифасига виждонан ёндашган ҳудудларда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик кескин қаймайиб бормоқда.

— Ўтган 2002 йил «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилинган эди. Шундан келиб чиқиб мамлакат миқёсида қўллаб савобли ишлар қилинди. Шаҳар прокуратурасининг бу борда амалга оширган ишларида ҳам қисқача тўхталиб ўтсангиз.

— Пойтахт аҳолисининг қарийб 13 фоизини кекса ёшдаги фуқаролар, эътиборга эътиёмжанд кишилар ташкил этади. Уларнинг оғирини енгил қилиб дуосини олиш, менимча, шарофли вазифа. Хабарингиз бор, бу бордада давлат дастури ҳам қабул қилинган эди. Дастурга мувофиқ шахримизда қўллаб тadbирлар амалга оширилган. Тadbирларнинг амалга оширилишида қонунларга амал қилиниши доимий тарзда прокуратура назоратида бўлди. Дастурнинг 5-12-бандида Республика прокуратурасига ИИБ ва «Маҳалла» жағармаси билан биргаликда маҳаллаларда оқсоқоллардан иборат махсус гуруҳлар тuzиш, уларнинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш вазифаси юклатилган эди.

Пойтахтимиздаги 444 та маҳаллада нафақадаги ҳуқуқ-тартибот ходимлари бириктирилган шундай гуруҳлар ташкил этилди. Прокуратура ва ИИБ ходимлари билан биргаликда ушбу гуруҳлар кенг қамровли ишларни амалга оширди. Бой ҳаёт тажрибасига эга қарияларимиз жалб қилинган «Оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги» концепцияси ўз самарасини бермоқда.

Барча маҳаллаларда гиёҳвандликка қарши кураш бўйича маҳалла оқсоқоллари, посбонлари, ИИБ ходимлари, ОИТС маркази, гиёҳвандлик диспансери, тиббиёт ходимлари иштирокида йиғилишлар ўтказиб келинмоқда. Дикқат қилган бўлсангиз, бу тadbирларда қарияларимизни ижтимоий фаолликка тортиш, шу асосда улар қадрининг баландлигини кўрсатишга асосий эътибор қаратилган. Бундан ташқари, пенсия таъминоти, ижтимоий ҳимоя, меҳр-саховат йўналишидаги ишлар ҳам доимий назорат қилиб борилади. Уйлайманки, «Қарияларни қадрлаш йили»да бошланган хайрли ишларимиз «Обод маҳалла йили»да яна давом этади.

Шаҳиднинг **ФАНИЕВ** суҳбатлашди

2003 йил — ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ

Сахийлик кишининг инжа фазилати. Ўз саховатини ёшу қари-га, яхши-ёмонга, оми халк ва донишларга баб-баробар соча олишни аввало куёшдан ўрганмоқ қозим, дейишади. Бироқ, тугилиб ўсган жойингда, элга қўшилиб эл бўлган маҳалла-қўйингда ана шундай тафтли, бағараз меҳрга дуч келиш ҳеч қимни ҳеч қачон бефарқ қолдирмайди... Саховатпеша миллатдошларимиз орасида ўз тақдирини халқ тақдирини, ташвишу фарогати билан боғлаб иш юритишга ўрганган ҳолатбарор кишилар ҳалиям кўпчиликни ташкил этади.

Ургут тумани марказидан анча олисда жойлашган бир обод қишлоқ бор. Одамлари бир-бирига иззат-икромли. Юзлашганда тақалуф билан эҳтиром билдиришга ошиқшади, сўзлашганда ҳамсуҳбатининг исмига «хон» қўшимчасини қўшиб улғулашни одат қилишган. Фақат сўзда эмас, иш

— Касби масъулиятли, ташвишлари бисёр бўлишига қарамадан маҳалла аҳли қорига «лаб-бай» дея киришиб кетаверди. Мана бу равон кўчаларни кўраясизми? Қишлоғимизга электр-ёриткич линиялари қайтадан тортилди, хонадонларимиз газлаштирилди. Буларнинг бошида ҳамқишлоғимиз Аҳадхоннинг беғараз меҳнатлари ётади.

Бежирим қурилган бинолар,

МАҲАЛЛА — МАРДЛАР БИЛАН ОБОД

юртишда ҳам ана шундай аҳилликни кўрасиз. Маслаҳатли тўй тарқамас деганларидай фуқаролар манфаати йўлидаги ҳар бир юмуш олдида оқсоқоллар, эл орасида обрў топган фидойи инсонларни ёнларига қақчириб, муаммо моҳиятини ўртага ташлайдилар.

— Шундай пайтларда ҳурматли ҳамқишлоғимиз, кўпгина эзгу ишлар ташкилотчиси Аҳадхон Жамолов номини биринчилардан бўлиб тилга оламиз, — дейди Асламхон ота Пулатов оқсоқоллар даврасида бўлган суҳбатимизда.

дўхонлар қишлоқ тароватини ошириб туради. Улардан сал нарироқда «Самарқанд» ва «Меҳнатобод» ширкат хўжаликларини ҳудудда истикомат қилувчи 4 миңдан ортик аҳолига мўлжаллаб қурилган «Хўжақишлоқ» врачлик пунктининг муҳташам биноси қад қўтариб турибди. Муассаса мудири Ҳамидхон Пулатовнинг айтишича, маскан атиги 5 ой ичида қурилган бўлиб, пойдеворидан то ички жиҳозларига ҳашар йўли билан бунёд этилган. Бинонинг ертўлисида шинамгина кутубхона ишлаб

лойиҳа сметаси 260 млн. сўмлик бўлган 256 ўринли мактаб қурилиши бошлаб юборилди. Бунча маблағни топиш айтишгагина осон. Буни ҳисобга олган оқсоқоллар ана қишлоқ жонқуяри Аҳадхон Жамолов ва «Самарқанд» ширкат хўжалиги раиси Илёхон Ботировнинг фикрини билангила ошқичиди. Уйчининг уйи битгунча, тавақалчининг иши битган экан. Фарзандлари тақдирини ўйлаган маҳалладошлар бу гал ҳам белларини янада маҳкамроқ боғлашган...

Оқсоқоллар ўз назоратларига

олган яна бир иш хусусида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун стол теннис ва бильярд хоналарига айлантирилмоқда.

Ҳа, бировларга қилинган яхшилик кишини шуниси билан ром этадики, у шафакча ўхшаб бора-бора ўчиб кетмайди. Қайтага ёлқинланиб, шўъласи ўзимизга қайта бошлайди. Шунда кўксинг тоғдай қўтарилиб, мағрурланасан.

Гулу гиёҳ ўзи ерида чирой очганидек, ҳар юртининг ўз фидойилари, мардлари бор. Маҳалла ободлиги эса ана шу мардлар билан. Обод маҳалла йилида диёримизнинг ҳар бир гўшани ана шундай фидойиликнинг гувоҳи бўлишини оруз қилиб қоламан.

Мансур АЛОВУДИНОВ, «HUQUQ» муҳбири

JURNALIST SURISHTIRUVI

Ўқитувчи. Бу сўзни эшитганимиз заҳоти илк бор кўлимизга қалам тутказган сиймо кўз олдимизда намойи бўлади. Инсоннинг катта ҳаёт йўлига чиқиб олишида ота-она қатори устознинг ҳам ўрни беқиёс. Шу боис халқимиз устоз отангдек улуг деб бекорга айтмайди.

Академикнинг ҳам, вазининг ҳам, ёзувчининг ҳам кўлига илк қаламини ўқитувчи тутказади. Устоз ҳақида қанча шеър устозлар битилмаган дейсиз. Бобомиз Алишер Навоийнинг

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила, Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила

деган мисралари ҳамон маълуму машҳурдир.

Нимагадир кейинги пайтларда ўқитувчилар обрўсига бир оз путур етгандай бўлди. Кўпчилик ўзини тижоратга урганида ҳам ушбу касб эгалари маошига шукр қилиб яшади. Касбига хиёнат қилмай, миллатнинг келажиги учун хизмат қилади ва қилмоқда. Аммо бозор иқтисодиёти деган нарса уларнинг турмуш тарзига ҳам таъсир қилмай қолмади. Мамлакатимиз мустақилликка эришган илк кунларданок ҳукуматимиз ўқитувчиларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Устозлар ҳам уларнинг ишончини оқлаяпти. Бугунги кунда уларнинг миғлаб шогирдлари дунёнинг нуфузли олий ўқув юрталарида таҳсил олмақда. Бу катта ишлар фойдаи ўқитувчиларимизнинг бедор ўтказган туңлари маҳсули эканлигини унутмаслигимиз керак. Ана шу меҳнатлар илк меваларини бермоқда. Лекин ҳамма жойда ҳам ўқитувчилар меҳнат моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланаяпти деб бўлмайти. Буни кейинги пайтларда вилоятлардан тахририятимизга келаятган шикоят хатларининг мазмунидан ҳам билсак бўлади.

«Хурмати Бош муҳаррир!
Жамоамиз уйлай-уйлай сизнинг номингизга шикоят ёзишга жазм қилди. Мактабимиз ўқитувчилари август ойи, техник ходимларимиз эса июль ойи учун маошларини олгани йўқ. Туман халқ таълими бўлими раҳбарлари Наврўз байрами муносабати билан ойлигимизнинг 15 фоизи миқдорда мукофот ёзишган эди. Мукофот ҳам қозғода қолиб кетди. Нафақахўр ўқитувчиларимизнинг 50 фоизлик нафақалари ҳам 3 ойдан буён берилмаяпти. Касаллик вақтида дарслик масаласи ҳам муаммо. Ўқув йилининг иккинчи чораги бошланди. Аммо, синф бўйича битта-иккита китоб берилди. Бир йилда бир марта келадиган 1 октябрь — ўқитувчилар ва мураббийлар кўни ҳам бизга татимади. Сабаби биз ўша кўни маошларимизни оламиз, туман раҳбарлари байрам кўни бизларни хурсанд қилар деб

36-МАКТАБДАГИ

уйлагандик. Аммо, орзуларимиз сароб бўлиб чиқди.

Куйичирчиқ туманидаги 36-ўрта мактаб ўқитувчилари

1. Ан В.И.
2. Азаматова А.Р.
3. Давлетчаева Х.Р. ва бошқалар, жами 36 имзо».

Маошга кўз тиккан одамга маоши вақтида берилмаса, у нокулай аҳволга тушиб қолади. Уни тушунишга ҳаракат қилмоқ керак.

Туман марказидан 50-60 чақирим узоқликда жойлашган мактабга туман халқ таълими бўлими мудири вазифасини бажарувчи Ҳайдар Аҳмедов билан етиб борганимизда соат 13.00 лар эди. Айрим ўқитувчилар дарсларни тугатиб уйига кетишган экан. Лекин, кўп ўтмай ўқитувчилар йиғилишди. Мақсадимизни тушунтиргач, дарсларини тўкиб солишди.

НИНА ЛУШКИНА:
— Менинг бу мактабда дарс бераётганимга ўттиз йилдан ошди. Бизни тўғри тушунасизлар деб ўйлайман. Ўқитувчиларимизнинг ҳаёти мактабга боғланиб қолган. Асосий вақтимиз шу даргоҳда ўтади. Бошқа иш билан машғул бўлишга вақт ҳам йўқ. Шикоят хатида ёзганимиздек талабимиз битта: биз ўз вазифамизни бажараяпмизми, бизнинг ойлигимизни ҳам ўз вақтида беришин. Қонун биз томонда. Бизга ваъда эмас, маошимиз керак.

ШАҲОБИДДИН АҲМЕДОВ:
— Мактабда она тили ва адабиётдан дарс бераман. Наврўз байрами муносабати билан ойлигимизнинг 15 фоизи миқдорда мукофот ажратишган эди. Ҳали олганимиз йўқ. Ахир бу жуда кулгули-ку. Салкам 8 ой вақт ўтаётти, наҳотки, туман раҳбарлари биз ўқитувчиларнинг ҳолини тушунмаса? 8 ой олдин ўша пулга бир қол ун берган бўлса, энди бу маблағ 10 кг. унга ҳам етмайди. Туман ХТБ фақат ваъдадан нарига ўтмаяпти.

ХОСИЯТ ДАВЛЕТЧАЕВА,
мактаб директори вазифасини бажарувчи:

— Мактабимиз Отажонов номли ширкат ҳўжалигида жойлашган. Беруний ширкат ҳўжалиги далаларида 50 кун пахта йиғим-теримида бўлдиқ. Ҳўжалик халигача ўқитувчиларнинг иш ҳақларини бергани йўқ. Маблағ йўқ эмиш. Мана сизга муаммо. Ана шундай муаммоларга дуч келган ёш педагоглар мактабларда узоқ ишлямаяпти.

Кейинги пайтларда вилоятларда мактаб ўқувчиларини қишлоқ ҳўжалик ишларига жалб қилиш тобора оммалашмоқда. Энг ажабланарлиси — тайёр ишчи кучидан фойдаланилмоқда. Лекин уларнинг ҳақларини беришга келганда туман ва ҳўжалик раҳбарлари маблағ йўқлигини баҳона қилишяпти. Бундай мисолларни хоҳлаганча келтириш мумкин (бу муаммо алоҳида мавзу). Ўқитувчиларнинг ҳақ-ҳўққларини ҳимоя

қиладиган Республика Касаба уюмлари федерацияси кенгашининг тармоқ уюшмаси эса хали «ширин» уйқуда. Қонун тили билан айтганда, кўпгина жойларда ўқитувчиларнинг фуқаролик ҳўқққлари поймол қилинмоқда. Ушбу шикоят хати юзасидан туман ХТБ мудири вазифасини бажарувчи Ҳайдар Аҳмедов билан анча суҳбатлашдик. У кишининг айтишича туманда 54 та умумий ўрта таълим мактаби, 17 та мактабгача тарбия муассасалари, 3 та мактабдан ташқари муассасалар мавжуд. 1730 нафар ўқитувчиларнинг ойлик маошларидан шу кунгача қарздорлик 125 млн. 966 минг сўмни ташкил қилади. Кунига банкдан 1 — 1,5 млн. сўм маблағ режа асосида навбат-навбат тарқатилаяпти.

Хулосани энди ўзингиз чиқаринг. Туман банки билан ана шундай «дўстона» ҳамкорлики йўлга қўйган туман ХТБ қачон ўқитувчиларнинг қарзидан қутулади? Агар иш шу тарзда давом этверса хозирги қарздан қутулиш учун салкам 3 ой вақт керак бўлади. Ундан сўнг мuddати ўтган қарзни тўлаш учун яна шунча вақт зарур. Иш ана шундай режа асосида олиб борилса, қарздорлик ой сайин ошаверади.

— ХТБ мудирлиги вазифасини бажарувчи бўлиб ишлаётганимга 4 ойдан ошди, — дейди Ҳайдар Аҳмедов. — Қарздан қутулиш учун барча чораларни кўраяпмиз. Муаммоларнинг илдизи банкда нақд пулнинг йўқлигида.

Биз ушбу шикоят хатини текширишда кўплаб ўқитувчилар билан суҳбатлашганимизда баъзилар Наврўз байрами муносабати билан 15 фоизлик мукофотнинг берилмаслигида собиқ ХТБ мудири Х.Салимбоевнинг ҳам айби бор дейишди. Собиқ мудир 7 млн. сўм маблағни ноконуний сарфлаган экан. Суд унинг қилмишини қонуний баҳолаган.

Нима бўлганда ҳам ХТБдаги носоглом вазиятдан тумандаги ўқитувчилар жабр чекишган ва шу вақтгача ишлаган ойлари учун маошларини оlishмаган. Вазирлар Маҳкамасининг

НОРОЗЛИК ТАХРИРИЯТГА ШИКОЯТ ЁЗИШГА МАЖБУР ЭТДИ

ТАХРИРИЯТГА ШИКОЯТ ЁЗИШГА МАЖБУР ЭТДИ

2002 йил 19 мартдаги «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир кўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг 4-бандида «Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг иш ҳақини ўз вақтида тўлашининг амалдаги қонун ҳўжатларига

нинг учун муаллимнинг эгни бут, қорни тўқ бўлиши лозим. Носотаётган, даллоллик қилаётган ёки маошини ўз вақтида ололмайти, ишидан кўнгил совуган муаллим ўз ўқувчисига қандай билим беради?

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ,
«Хўққ» мухбири

НАҚД ПУЛ ЕТАРЛИ БЎЛМАГАН

«36-мактабдаги норозилик» номли мақола юзасидан текшириш ўтказилди. Аниқлашди, 2002 йил 20 ноябрда Куйичирчиқ тумани халқ таълими бўлимининг «Пахтабанк»нинг Дўстобод бўлимидаги ҳисоб рақамда ноябрь ойи иш ҳақи учун 25,8 млн. сўм, нафақа учун 14,6 минг сўм, пенсия учун 4,8 млн. сўм, касаллик варақалари учун эса 8,4 млн. сўм миқдорда бюджет маблағлари мавжуд бўлган.

Лекин «Пахтабанк»нинг Дўстобод бўлимида нақд пул етарли бўлмаганлиги учун туман ХТБ томонидан 36-ўрта мактаб ўқитувчиларига тўланмаган умумий маблағ 709,5 минг сўм бўлган. Жумладан, икки ёшгача болалари бўлган оналарга тўланмаган нафақалардан 2002 йилнинг август-ноябрь ойлари учун 145,7 минг сўм, пенсия ва касаллик варақалари харажатларига ўтган йилнинг июль-ноябрь ойлари учун 401,1 минг сўм ва «Наврўз» байрами муносабати билан ходимларга ажратилган мукофот учун 162,7 минг сўм. Ушбу қарзлар 2002 йилнинг 9 декабрдан 18 декабргача бўлган даврда бартараф этилган.

«Пахтабанк»нинг Дўстобод бўлими бошқарувчиси И.Бойматов бюджетдан молиялаштирилган муассасани иш ҳақи, нафақа ва пенсия харажатлари тўловлари учун пул маблағлари беришни асоссиз равишда кечиктирилганлиги учун 2002 йил 20 ноябрда унга нисбатан туман прокуровори томонидан маъмурий ҳўққбузарликка доир иш қўзғатиш тўғрисида қарор қабул қилинган ва ижро учун иш вилоят назорат-тағтиш бошқармасига юборилган.

Туман ХТБ раҳбари О.Воҳидов 2002 йилнинг 10 декабрдан, бўлим бош ҳисобчиси С.Эрвалиев шу йилнинг 16 декабрдан қайд этилган лавозимларда фаолият кўрсатганлар.

Ҳамза МАҲМУДОВ,
Тошкент вилояти прокуроворининг ўринбосари,
ақлий катта маслаҳатчиси

MUTOLAA

Учинчи Ҳоқимият

1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Конституциясининг қабул қилиниши мамлакатимиз тарихида унутилмас воқеа бўлди. Бу тарихий воқеа халқимиз ҳаётининг барча соҳаларида бир қанча ўзгаришларга олиб келди, жумладан, одил судлов соҳасида ҳам.

Ўзбекистон Конституциясининг XXII боби, 106-моддаси одил судловни амалга оширишнинг асосий тамойилларидан бири бўлиши суд ҳоқимияти қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳоқимиятлардан, сиёсий партиялардан ва бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритишни конституциявий норма даражасига кўтарди.

Зеро, Президентимиз айтганларидек, «Суд ислохотини чуқурлаштириш, ҳоқимиятнинг учинчи, мустақил ва қарам бўлмаган тармоғи сифатида бутун одил судлов тизимини демократлаштириш — ҳуқуқий давлатни мустақамлашнинг яна бир муҳим йўналишидир. Суд жазоловчи органдан оддий одамларнинг ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айланиб, ҳақиқатдан ҳам мустақил бўлиб қолиши лозим».

Суд ҳоқимиятининг мустақиллиги одил судловни тўлақонли равишда амалга ошириш имконини беради. Давлат ҳоқимияти органларининг суддан бошқа идораси бундай ҳуқуққа эга эмас. Одил судлов жамиятда адолатни таъминлашнинг зарурий воситаларидан бири бўлиб, жамият ихтиомий ҳаётида ўзига хос ўрин тутди. Чунки одил судлов фуқаролар ва давлат органлари (мансабдор шахслар) ўртасида бўладиган зиддиятларни, суд муҳокамасидаги ҳар қандай ишни бирор бир тазйиксиз, конституциявий қонуларнинг устуворлиги нуқтаи назаридан туриб ҳал қилади.

Судьяларнинг мустақил фаолият олиб бориши уларнинг фақат қонунгагина бўйсунушига имкон беради. Конституциямизнинг 112-моддасига мувофиқ, судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсундилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашшига йўл қўйилмайди ва бундай аралашуш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Ҳеч қим, на давлат органлари, на бошқа ташкилотлар, муассасалар, уларнинг мансабдор шахслари ва фуқаролар судга муайян ишларни қандай ҳал қилиш бўйича кўрсатма бериши мумкин эмас. 2000 йил 16 декабрда янги тахрирда қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги Қонунга биноан судьяларнинг мустақиллиги қўйидагилар билан таъминланди:

- уларнинг қонунда белгиланган тартибда судьяликка тайинланиши ва судьяликдан озод қилиниши;
- судьяларнинг дахлсизлиги;
- одил судловни амалга оширишдаги қатъий тамойил;

- судга ҳурматсизлик ёки муайян ишларни ҳал қилишга аралашганлик, судьялар дахлсизлигини бузганлик учун жавобгарлик;

- судьяларни юксак мақомга мос равишда давлат ҳисобидан моддий ва ихтиомий таъминлаш.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, Ўзбекистон Конституцияси, «Судлар тўғрисида»ги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларида судларнинг мақоми белгилаб қўйилган. Бу мақомга кўра судлар биз кураётган демократик жамиятнинг алоҳида ва мустақил фаолият олиб борадиган қисмидир.

Ж.САФАРОВ,
талаба

PROKUROR SO'Z SO'RAYDI

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг суд-ҳуқуқ тизимида катта ўзгаришлар юз берди. Судьяларнинг мустақиллиги таъминланди. Уларнинг фақат қонунга бўйсунуши, одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашушга йўл қўйилмаслиги қонунда белгилаб қўйилди. Ўзбекистон Конституциясининг 114-моддасида: «Суд ҳоқимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир» дейилган. Ҳақиқатан ҳам суд органлари ҳужжатларининг ижроси таъминланаяптими? Бу борада қандай муаммолар бор?

Сўнгги сўзни суд айтади. Кейин-чи?..

Яқинда Республика Бош прокуратурасида ана шу муаммолар юзасидан идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш бўлиб ўтди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, 2002 йилда республика бўйича суд ижрочиларининг иш юритувида 74 млрд. 615 млн. сўм ундириш ҳақидаги ижро ҳужжатлари мавжуд бўлган. Шундан 19,7 млрд. сўм ундирилган.

Ижро ҳужжатлари бўйича ундирувлар Сурхондарёда 74,9 фоизни, Навоийда 73,4 фоизни, Хоразмда 69,3 фоизни, Бухорода 60,8 фоизни, Ташкент вилоятида 59,9 фоизни ташкил этиб, нисбатан юқори кўрсаткичларга эришилган. Лекин Ташкент шаҳрида бу кўрсаткич 41,1 фоизни, Фарғонада 44,9 фоизни, Сирдарёда 48,7 фоизни ташкил этган. «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонун ижроси бўйича Самарқанд, Сирдарё, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларидаги аҳвол ўрганиб чиқилганда, анчагина камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Бунга жойлардаги айрим суд ижрочиларининг малака ва билимлари талаб даражасида эмаслиги маълум бўлиб қолди.

Масалан, фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро суди жавобгар И.Манноновдан даъвогар Н.Эшмуродов фойдасига 203 минг сўм ундириш тўғрисида 2002 йилнинг 20 май куни қарор

чиқарган. Суд ижросиси Б.Болтаев эса қарзни ихтиёрий тўлаш учун қарздорга қонунда белгиланган 5 кунлик муддат бериш ўрнига, қарор чиқарилган кунгидан кўра тегишли бўлмаган, ўзганинг мулки бўлган «Муравей» русумли мотоциклини ноқонуний равишда хатлаб қўйган. Мотоцикли эгаси олиб кетганидан кейин эса уни қидириб топиш ҳақида қарор чиқарган.

Қонунларимизнинг инсонпарварлиги шундаки, ҳатто жарималарни ундиришда ҳам ихтиёрийлик бosh мезон қилиб олинган. Аммо, афсуски, айримлар бунга амал қилишни ўзига эп кўришмайди. Мисол учун, 2002 йилнинг 15 июл куни Файзулла Хўжаев туман суди ижросиси А.Яқубовнинг юритувига қарздор қурилиш таъмирлаш бошқармаси очик турдаги ҳиссадорлик жамиятидан хўжалик судларини ривожлантириш жамғармасига 4037 сўм, давлат божи ҳамда почта харажатлари учун 3 минг сўм ундириш тўғрисида қарор келиб тушган. Қарздорга қонуний муҳлат берилган. Бироқ қарздор қарзини ўз ихтиёри билан тўламаган. Сўнг унга нисбатан 9070 сўм жарима солинган. Бироқ қарз ҳам, жарима ҳам ундирилмаган. Бундай ҳолатни Самарқанд, Муборак, Фарғона ва Шуманай тумани суд ижрочилари фаолиятида ҳам кўриш мумкин.

Ижрочиларнинг сансалор-

лиги туфайли 6899 тадан кўпроқ ижро ҳужжатлари белгиланган муддатда ижро қилинмаган. Энг ачинарлиси 4066 та ижро ҳужжатлари 6 ойдан ортик вақт ўтишига қарамасдан ижро этилмаган. Уларнинг асосий қисми жойлардаги прокурорларнинг аралашувларидан сўнг ижро этилган. Жумладан, Пойариқ тумани судининг маҳкум Т.Рўзиевдан жиноят қуроли сифатида олинган бир донга 16 калибрли ов милтиги, 1 кг. кўргошин дроплари, 153 грамм порох, 43 донга капсула, 320 грамм кўкнори ўтган йилнинг 15 январидан суд ижросиси А.Арзиқуловга топширилган. Орадан 8 ой ўтса ҳамки, суд ижросиси юқоридаги нарсаларни ўзида

сақлаб келган. Бу қонунбузарлик Самарқанд вилояти прокуратурасининг аралашуvidан сўнг бартараф этилди.

Бундай ўз вазифасига совуққонлик айрим бошқа суд ижрочилари фаолиятида ҳам учрамоқда. Мисол учун, Боғишамол туман судининг катта ижросиси Ш.Исмоилов қарзни ундириш ўрнига қарздордан пора олган. У қилмишига яраша жазоланди.

Ҳақли савол туғилади. Нима учун суд қарорлари ўз вақтида ижро этилмаяпти? Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, биринчи навбатда ижро ишларини юритиш тартибига риоя қилинмаяпти. Иккинчидан, қарздорга ихтиёрий равишда ижро этиш учун 5 кун муддат белгиланмаяпти. Учунчидан, қарзни ихтиёрий равишда тўламаган жавобгардан жарима ундириш ва суд қарорини мажбурий тарзда ижро этиш яхши йўлга қўйилмаган. Қўлланилган жарималарни ҳам қарздорлардан ундиришда сансалорликка йўл қўйиш ҳоллари кўплаб учрамоқда. Ундирувчи қарздорларнинг мол-мулкига қаратиш борасида ҳам жиддий хато-ларга йўл қўйилган.

Ишнинг самараси ана шу масалаларнинг муваффақият-ли ҳал этилишига боғлиқ.

Одил УМРЗОКОВ,
Республика Бош
прокуратурасининг бўлим катта
прокурори.
Маҳкумда САИДОВА,
Судларда фуқаролик ишлари
қўрилишида прокурор ваколатини
таъминлаш бўлими катта прокурори

МУЛК ТАҚДИРИ

? Мен 1999 йили фермер хўжалиги ташкил этган эдим. Лекин баъзи сабабларга кўра бошқа шаҳарга даволаниш учун бориб келмоқчиман. Ҳисоблаб кўрсам, роса 45 кун кетаркан. Бу орада фермер хўжалигини ташлаб кетиш мумкин бўлган бирон яқинроқ одамим йўқ, фарзандларим эса қали ёш. Шу сабабли хўжаликни қонуний асосда бирор-бир кишига вақтинча бошқариб туриш учун (мол-мулкларимни сотиб юбормаслик шарти билан) топширсам бўладими?

Д. МИРОЛМОВ,
Қашқадарё вилояти Чирочик тумани

? **Ҳа, бўлади.** Бирор-бир шахсга мол-мулкнинг ишончли шартнома асосида муайян муддатга ишончли бошқарувга топшириши мумкин. У мол-мулкнинг бошқарув экан, шартномага асосланган мол-мулкни нисбатан фойда олувчининг манфаатларини кўзлаган ҳолда ҳар қандай юридик ва амалий ҳаракатларни қилишга ҳақли. Лекин мол-мулкни бундай ишончли бошқарувга топшириш мулк ҳуқуқининг ишончли бошқарувчига ўтишига олиб келмайди.

• Ҳар бир шахснинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қарориданла, бу ҳимоя меҳнат тўғрисидаги қонуни ҳужжатларига риоя қилинишини текширувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек меҳнат нозоратини кўрувчи органлар томонидан амалга оширилади.
(МКнинг 8-моддаси)

«HUQUQ» ИЙ
маслаҳатхона

E-mail: huquq@infonet.uz 133-82-34, 133-64-72

НОГИРОНИ ИШДАН БЎШАТИШ МУМКИНИ?

? «Газлитрансгазказибчиқариш» бошқармасининг газни транспортировка қилиш бўлимида меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги муҳандиси бўлиб ишлайдиган ходимимиз 2001 йилнинг октябрь ойида уйда шикастланиб, ногирон бўлиб қолди. Шундан келиб чиқиб, куйидаги саволларим бор эди:

- ногиронни ишдан бўшатиш мумкинми?
 - агар ишдан бўшатиш мумкин бўлса, ТМЭК ҳулосаси асос бўла оладими?
 - агар ишдан бўшатиш керак бўлса, Меҳнат кодексининг қайси моддаларига кўра бўшатилади?
- Яна иккинчи муаммо — газ ва нефт ишлаб чиқариш саноати оғир саноат бўлганлиги сабабли бу соҳада меҳнат қилганлар имтиёзли равишда пенсияга чиқишга ҳақли. Шу билан бирга ушбу тоифага кирувчи ходимлардан даромад солиғи ҳам имтиёзли равишда ушланар эди. 2001 йилда ишчиларимизнинг ойлик маошидан максимум 25 фоиз ушланган. 2002 йили жисмоний шахслардан ушланмайдиган даромад солиғи камайиб 33, 23, 13 фоиз қилиб белгиланди. Шундан келиб чиқиб ходимларимиздан неча фоиз даромад солиғи ушлаш мумкин? Чунки 25 фоизлик шкала йўқ.

М.ХУҲАЕВА,
«Газлитрансгазказибчиқариш» бошқармаси кадрлар бўлими бошлиғи

? Бундай ҳолатда ходимни ишдан бўшатиш ёки унга лаёқатига мос келадиган бошқа ишни таклиф этиш мумкин. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам буйруқ асоси бўлиши лозим. Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 2-бандига мувофиқ, ходимнинг малакаси ёки соғлиғи ҳолатига кўра бажарётган ишига нолойиқ бўлиб қолгани меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга асос бўлади. Лекин шартномани бекор қилишдан олдин иш берувчи ходимга мутахассислиги ва малакасига мувофиқ келадиган ишни, бундай иш бўлмаган тақдирда эса, корхонада мавжуд бўлган бошқа ишни таклиф этиши шарт. Ходим бошқа ишга ўтишдан бош торган эки корхонада унга мувофиқ келадиган иш бўлмаган тақдирда, меҳнат шартномаси умумий асосларда бекор қилиниши мумкин.

Бундай ҳолда иш берувчи ходимни камидо икки ҳафта олдин ёзма равишда оғохлантуриши шарт. Башарти, жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида касбага уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органидан розилигини олиш назарда тутилган бўлса, бундай розиликни олмай туриб меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди, корхона тугатилган ва корхона раҳбари билан меҳнатга оид муносабатлар бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно. Жисмоний шахсларнинг ойлик даромадларига солинадиган солиқ ставкасига келсак, мамлакатимизда энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт бараварига 13 фоиз, тўрт бараваридан (+1 сўм) саккиз бараварига 23 фоиз, саккиз баравари (+1 сўм) ва ундан юқори миқдордан 33 фоиз қилиб белгиланган. Жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган имтиёз эса Солиқ кодексининг 58-59-моддаларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

ТИРИКЧИЛИККА НАФИ ТЕТСИН

? Менинг уч нафар фарзандим бор. Учинчиси яқинда икки ёшга тўлди. Аини пайтда «Лексатур» фирмасида оддий ишчи бўлиб ишлайман. Ҳар йили меҳнат таътилга фирмаимизда белгиланган график асосида чиқамиз. Менга бу йил декабрь ойида чиқиш белгиланибди. Лекин болаларимни парваришлаш ёлғиз ўзининг зиммамдалиғи учун бу пайтда таътилга чиқиш ноқулай бўлапти. Сабаби ёз ойида таътил олсам, тирикчиликка бирон нима қилиб олиш имконияти бор. Шунинг учун меҳнат таътилини бошқа вақтга кўчирса бўлмайдами?

З.ОТАХОНОВА,
Тошкент шаҳри

? Меҳнат кодексининг 144-моддасида ходимларга таътил бериш вақти ва навати белгилаб қўйилган бўлиб, унга мувофиқ, қўйидаги тоифадаги ходимларга меҳнат таътили улар учун қулай бўлган вақтда берилиши керокили таъкидланган:

- ўн тўрт ёшга тўлмасан битта ёки ундан ортққ болани (ўн олти ёшга тўлмасан ноцирон болани) тарбиялаётган ёлғиз ота, ёлғиз онаса (бева эркақлар, бева аёллар, никоҳдан ажрашганлар) ва 1 уддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг хотинли риза;
- 1 ва II гуруҳ ногиронлигига;
- 1941-1945 йилга уруш қатнашчиларига ва имтиёзлари бўйича уларга тенглаштирилган шахсларга;
- ўн саккиз ёшга тўлган шахсларга;
- таълим муассасаларида таълимдан ажралмаган ҳолда ўқиётганларга;
- жамоа шартномаси, келишувида назарда тутилган бошқа ҳолатларда.

ШУ ТОИФАДАГИ ОДАМ

? Мен 1987-1988 йиллари Украинада ҳарбий хизматда бўлганман. Хизмат даврида тўрт ой Чернобил фалокати оқибатларини тугатишда қатнашганман. Бугунги кунда Ўзбекистонда черобилчиларга бир қанча имтиёзлар берилганлигини эшитганман, лекин бирон марта бу бўйича қизиқиб кўрмаганман. Айтинг-чи, мен ҳам шу имтиёزلардан фойдаланишим мумкинми? Агар иложи бўлса бундай имтиёздан фойдаланишим мумкин бўлган шахслар рўйхатини эълон қилсангизлар.

М.ОҚИЛДИЕВ,
Хоразм вилояти Шовот тумани

? Ўзбекистон Олий Кенгаши Раёсати ва Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 6 апрелдаги 170-қарори иловасида Чернобил ҳалокатидан зиён кўрган, Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи фуқароларга бериладиган ҳақ-ҳуқуқлар, нул компенсациялари ва имтиёзлар рўйхатида бундай фуқароларнинг тоифалари акс эттирилган. Унга мувофиқ, мазкур қарор қўйидаги фуқароларга татбиқ этилади:

- 1) Чернобил АЭСи ҳалокати оқибатида нурланиш касаллигига чалинган ва уни бошидан кечирган шахслар, шунингдек мазкур ҳалокат сабабли ногирон бўлиб қолганлардан:
 - а) Чернобил АЭСида ишлаган ёки ҳалокат натижасида зарарланган зонада ҳалокат оқибатларини тугатиш ишларида иштирок этган (шу жумладан, вақтинча ишга юборилган ёки хизмат сафарига жўнатилган) шахслар;
 - б) махсус йиғинларга қақририлган ва ҳалокат оқибатларини тугатиш бўйича зарарланган зонадаги ишларни бажаришга жаблб этилган ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий мажбуриятли шахслар;
- 2) 1986-1989 йилларда Чернобил ҳалокати оқибатларини тугатиш бўйича зарарланган зонада ишлаган ёки шу йиллар давомида АЭСдан фойдаланиш ва бошқа юмушларни бажарган (шу жумладан, вақтинча ишга юборилган ёки хизмат сафарига жўнатилган) шахслар, шунингдек жойлашиши ўрни ва бажарётган вазифасидан қатти назар, махсус йиғинларга қақририлган ва ҳалокат оқибатларини тугатиш билан боғлиқ бу даврдаги ишларни бажаришга жаблб қилинган ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий мажбуриятли шахслар, шунингдек, 1986-1989 йилларда зарарланган зонада хизмат вазифасини ўтаган ички ишлар органларининг бошлиқлари ва оддий составдаги шахслар.

ЯШИРИЛГАН ДАРОМАД

? Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаятган шахс даромад солиғи тўлашда олаётган даромадининг бир қисмини яширса қандай жазо чораси кўрилиши мумкин?

К.Уролов,
Бойсун тумани

? Даромад (фойда) яширилган тақдирда солиқ тўловчидан яширилган даромаднинг (фойданинг) бутун суммаси ва яна шунча сумма миқдорда жарима ундирилади. Солиқ солинадиган бошқа объектлар яширилган тақдирда солиқ тўловчидан яширилган солиқ солиши объекти учун олинмаган солиқ суммаси ва яна шунча миқдорда жарима ундирилади. Солиқ тўловчи юқоридеги хатти-ҳаракатларни молиявий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил ичида тақорран содир этган тақдирда ундан тегишли сумма ва яна шу сумманинг икки баравари миқдорда жарима ундирилади.

ҚИЛМИШНИНГ ОҚИБАТИ

? Жияним ҳарбий хизмат даврида бир хизматдошини шериклари билан уриб, унга тан жароҳати етказишган экан. Ҳозир мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши кўзгатилиб, тергов олиб борилапти. Терговчи жиянимни ЖКнинг 285-моддаси 2-қисми билан айблётган экан. Маълумки, яқинда Ўзбекистон Конституциясининг ўн йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида фармон эълон қилинди. Ушбу фармоннинг 5-қисмида ижтимоий ҳаффи қатта бўлмаган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ва судда кўрилмаган ишлар тугатилсин дейилган. Айтинг-чи, жияним мазкур амнистияга тушади?

Б.КАРИМОВ,
Жиззах шаҳри

? ЖКнинг 285-моддаси 2-қисми санкцияси беш йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланишини кўзда тутлади. Бу эса оғир турдаги жиноятлар тоифасига қиради. Конституциянинг 10 йиллиги муносабати билан эълон қилинган амнистия актининг 5-бандида назарда тутилган, ижтимоий ҳаффи қатта бўлмаган жиноятлар тоифасига эса бирмунча енгиброқ жазо чораси назарда тутилган жиноятлар қиради. Яъни, ижтимоий ҳаффи қатта бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилган, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар қиради. Шу сабабли жиянингизга нисбатан мазкур амнистия акти татбиқ қилинмайди.

ХАРАЖАТИНИ КИМ ТЎЛАЙДИ?

? 2002 йилнинг октябрь ойида кўчани кесиб ўтаётган вақтимда мени бир автомашина уриб юборди. Оқибатда касалхонага тушиб, бир ой давола-ниб чиқдим. Бу вақт давомида дори-дармон, озиқ-овқат ва ҳоказоларга жуда кўп харажатлар қилинди. Лекин мени уриб юборган киши ҳам қараб турмай, қўлидан келганича ёрдам қилиб турди. Бундай ҳолатда мен қонун бўйича ундан нималар-ни талаб қилишга ҳақли бўлман?

М.САИДХОНОВА,
Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани

? Фуқаролик кодекси бундай вазиятларда қўйидагича тартибни белгилайди: фуқаро майиб қилинганда ёки сағлигига бошқача шикаст етказилганда жабрланувчи оладиган ёки муайян равишда олиши мумкин бўлган йўқотилган иш ҳақи (даромадлари), шунингдек, саломатлигига шикаст етказилиши туфайли қилган қўшимча харажатларининг ўрни қопланиши лозим. Бундай харажатларга даволаниш, қўшимча оқватланиш, дори-дармонлар сотиб олиш, протез қўйдирриш, биронинг парваришида бўлиш, санаторий-курортда даволаниш, махсус транспорт воситасини сотиб олиш, бошқа касбага тайёргарликдан ўтиш харажатлари қиради. Йўқотилган иш ҳақини аниқлашда соғлиғига шикаст етказилиши туфайли белгиланган ноциронлик пенсияси, соғлиғига зарар етказилмасидан олдинги ва ундан кейинги бошқа турдаги пенсиялар, нафақалар ва бошқа шунга ўхшаш тўловлар эътиборга олинмайди ва зарар миқдорини камайтиришга сабаб бўлмайди.

БАРФИЯНИНГ ҚАЛБ АРМОНИ

✓ AFSUS

Жажигина қизалоқ Барфия ўқиб-ўқиб йиғлапти. Қўлчалари билан гоҳо кўз ёшларини артади. Қайда унинг онаси? Нега бундай бўлди?! Ҳаммадан чиройли, ширинсўз, меҳрибон онаси нега ўлдирилди? Яна ким денг, отаси пичоқлади. Нега? Барфияни етим қилиш учунми? Барфия бу каби саволларга жавоб тополмасди. Онаси ҳар куни ишдан қайтаётиб унга конфет ёки печенье олиб келарди. У онасига пешвоз чиқар экан, она-бола ачомлашишарди. Онаси унинг майин сочларини силарди. «Ўзимнинг тилла қизим, доно қизим!» — дея лўппи-лўппи юзчаларидан ўпиб оларди. Қизалоқ ҳам шундай қиларди. Энди эса...



Инсонни табиатнинг гултожи деб аташади. Жами жонзотлар ичида энг олий мавжудот деб таърифлашади. Лекин арзимас сабаблар измида энг олий мавжудот ҳисобланмиш инсоннинг тубанлик сари кадам қўйиши ҳеч бир ақл чегарасига тўғри келмайди. Айниқса, унинг охири фожеали якунланса. Қуйидаги мақолалар билан танишиб чиксангиз, сиз ҳам фикримизга қўшилиш деган умиддамиз.

Илгалама, қизалоқ!

ТУНГИ Тўқнашув

Ёзининг оромбахш оқшоми. Қўп қаватли уйлarning олди гавжум. Биров кечки оқватдан сўнг сайр қилишга чиққан, кимдир кинога отланапти.

Муқаддам камалиб чиққан Маҳмуд Бозоров собиқ хотини Еленанинг укаси Александр Овчинниковнинг уйи олдига келиб, қайнисини кўчага чақирди.

— Александр, қани туш-чи бу ёққа! Сенга телефонда кўпол сўзлаш қанақалигини кўрсатиб қўяман...

Маҳмуд Александрнинг подъезддан чиқиб келаётганини кўргач, тўсатдан уни дўппослай бошлади. Жанжални эшитиб, уларни ажратмоқчи бўлган Александрнинг укаси Алексейга ҳам қўлидаги пичоқ билан ҳамла қилди. Пичоқ Алексейнинг чўнтагидаги темир бўлгага тегиб, қайрилди.

Изоҳ: Маҳмуд Бозоров — 1976 йилда Бухоро шаҳрида турилган. Маълумоти ўрта, муқаддам сулланган. «Бухоротекс» ҳиссасдорлик жамиятида слесарь бўлиб ишлаган.

ЕЛЕНАНИНГ ҚОТИЛИ

2002 йилнинг 13 июли. Елена ҳар галгидек бугун ҳам ишга эрта отланди. Бирок, негадир кўнгли гаш эди. Қизалоғи Барфияни қайта-қайта бағрига босаркан, унинг кўзларига ёш келди.

Изоҳ: Елена Бозорова — «Бухоротекс» ҳиссасдорлик жамияти ишлаб чиқариш майдонининг пардозлаш фабрикаси оператори.

Маҳмуд шу куни эрталаб соат 7 ларда ҳиссасдорлик жамиятига келиб, Елена билан жанжаллашиб қолади. У Еленадан 8 июль куни укаларини уриб, тан жароҳати етказганлиги боис Тўқимачилик туман ички ишлар бўлимига ёзган аризасини қайтариб олишини, ўзи билан аввалгидек бирга турмуш кечиришини талаб қилади. Бирок, Елена бунга рози бўлмайди. Еленанинг қатъийлигидан Маҳмуднинг газаби қайтади.

— Мен билан яшамоқчи эмасмисан? Кимни кўзлаясан? Ундай бўлса, жаҳаннамга қўнатарман, — дея Маҳмуд унга бир неча марта пичоқ урди. Елена қонга бўялди. Қўлмишидан кўркувга тушган қотил қочиб кетаётиб одамларга: «Қўлимни станок кесди», — дея содир этган жиноятини яшироқчи бўлди. Сўнг участка нозир олдига бораётганда уни милиция ходимлари тўхтатиб, қўлга олишди.

Қаламга олинган жиний Маҳмуд Бозоровнинг қизиққонлиги, калтафаҳмлиги ва беҳуда рашк тўғриси содир бўлган. У хотинининг ён дастаридаги телефон номерларидан хавфсизраганлиги маълум бўлди. Унинг қора қўлмиши гувоҳлар кўрсатмаси ва рад этиб бўлмас далиллар билан исботланди. Гувоҳ Жаъфар Саидов, «Бухоротекс»

ҳиссасдорлик жамияти қоровули:

— 12 июль куни ишни қабул қилиб олдим. Соат 6.40 да Маҳмуд Бозоров руҳсатномасини кўрсатиб, иш жойига кириб кетди. Бироздан сўнг Бозоров қайтиб чиқиб кетаётганини, қўли кесилганини кўрдим. Сабабини сўраганимда «Станокда кесилди», — деди.

Гувоҳ Ольга Саидова, Овчинниковларнинг қўшнисини:

— Елена Маҳмуд Бозоровга турмушга чиққач, 1-2 йил яхши яшади. Кейин Маҳмуд Елена билан тез-тез жанжаллашар, уни урарди. Охири Елена қизчасини олиб онасиникига келди. Эри билан ажрашган бўлса-да, Маҳмуд деярли ҳар куни уларнинг тинчлини бузарди.

АДОЛАТ ТАРОЗИСИ

Жиноят жазосиз қолмайди. Ҳукм ўқилди.

Судланувчи Маҳмуд Бозоров 20 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Маҳмуд Бозоров бугун қўлишидан пушаймон. Бирок, энди кеч. Гулдек аёлнинг умрини ҳазон этган, қизчаси Барфиянинг қалбини болалик шодликларидан, она меҳридан маҳрум қилган, икки она қўнглини вайрон этган қотилнинг ҳеч ким кеңирмади. Зеро, қонун ҳамма учун баробар.

ОГОҲЛИК ҲАР ДОИМ КЕРАК

Шу ўринда бир мулоҳаза юритайлик. Жиноятчи жазосини олди. Бирок, шу муҳим воқеа содир этилгунгача «Бухоротекс» ҳиссасдорлик жамиятидаги ҳамкасблари, раҳбарият уларнинг оилавий ҳаёти, муносабатларига нега бефарқ қарашди? Ахир, ҳеч бўлмагандан етим қолаётган қизчининг тақдирини уларни қизиқтириши керак эди-ку! Бундан ташқари, қорхонага Маҳмуд ўзи билан пичоқ олиб кирганини қоровул нега сезмаган? Бу ҳам лоқайдликдан бошқа нарса эмас.

ЭЗГУЛИККА ТАШНАЛИК

Яна тонг олди. Қўёш борлиқ узра нур сочяпти. Барфия ҳар кунгидек қўшлар чўғуралишдан уйғонди. Бугун уни онаси лўппи юзчаларидан ўпиб уйғотмади. Унинг жажжи юрагида дард, бергубор кўзларидан мўнг бор. Мунчоқдек кўзларидан ёшлар шаққатор. Ахир у онасининг иссиқ бағрини жуда-жуда соғинган-да. Начора тақдир унга шундай битик битибди.

Йиғлама, Барфия! Ҳали сенинг ҳаётингда яхши кўнлар бошланади. Оламда яхши инсонлар кўп.

Санд МИРЗАЕВ, жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят суди судьяси. Лолахон МАНСУРОВА, журналист.

бир отамнинг қўлларига ёпишар, бир пичоқ ёки болга теккан жойларини ушларди, оғриқдан инграрди... Мен ёнида бўлганим учун менга ҳам онамининг қонлари сачради, юзимга сачраганда сесканиб кетдим, қон илиқ бўлар экан... Отам тинмай сўкиниб, қаттиқ жаҳл устида қўлидаги болга ва пичоқ билан онажонимни аямай дуч келган жойига кўп урди... Онам полга чўзилиб қолди, ҳамма жойи қон эди. Синглим икковимиз кўрққанмиздан фақат йиғлардик. Онамга раҳимим келиб ёрдам бермоқчи бўлдим, лекин отамдан кўрқдим. Отам бир пас қараб турди-да, менга эшикни ичкаридан ёпиб ол, деб чиқиб кет-

ферма кўрғонидан ижара уй топиб, кўчирдик. Яхши яшаётган эди. 17 ноябрь куни эрталаб эса бу воқеа содир бўлди.

Айланувчи Ўткир Боймирзаев ўз айбига тўлиқ иқдор бўлди. Хотинини ўлдиришига асосий сабаб қилиб қуйидагиларни айтди:

— Хотиним қишлоқ фуқаролар йиғинида жамоатчи қотиба бўлиб ишларди. Кейинги пайтларда ишдан кеч қайтадиган одат чиқарди. Ҳа десам, иш кўп, дейди. Баъзи кунлари жуда кеч қолиб кетарди. Шунинг учун кўп жанжаллашардик. Ўша куни ҳам кеч келди. Оғзаки жанжаллашдик. Кейин ош қилди, ҳаммамиз бирга едик. Мен озгина ароқ ичдим. Кейин ухлашга ётдик. Болалар ухлаб қолишди. Икковимиз анчагача гаплашдик. Мен унга ишдан бўша, уйда ўтир, мен ишламан, оилани боқаман, дедим. У ҳеч қачон ишдан чиқмайман, деди. Яна жанжал чикди. Мен бир шапалоқ урдим. Хотиним ҳам қараб турмади, менга ёпишди. Телевизор устида болга турганди, шу билан бошига урдим. Бошини чангаллаб, Фирдавс ётган диванга энгашиб қолди... нариги хонадан пичоқ олиб келдим... Кейин ўзимни бошқаролмай қолибман...

Суд-тиббий экспертиза марҳумнинг бошига 12 марта, бўйин, елка, кўкрак қафаси ва қорин қисмига 17 та жароҳат етказилганлигини аниқлади. Суд ҳукми билан ў.

БОЛАЛИКНИ ТЎҚОТТАН ТЎҚДАКЛАР

Ҳамроқул бобо азонлаб кириб келган набираларининг афт-ангори кўриб ҳўши бошидан учди. Уст-боши қон, рангида ранг йўқ ака-синглининг кўзлари дахшат, ваҳима билан жовдирарди.

— Тинчликми? Нега ўзларинг?..

— Онанг қани, отанг?..

— Отам... онамни ўлдириб қўйдим!

— Фирдавснинг тили аранг айланди.

— Нима дединг?! Ё ҳудо!!!

Бир пастда хонадон тўс-тўполон, дод-фарёд бўлиб кетди. Болаларни қўшнингига қўйишди-ю, Товуқферма кўрғончасидаги 9-уй 5-хонадонга гўё учиб боришди. Эшикдан шахд билан кирган Ҳамроқул бобо кутганидан ҳам дахшатли манзарага дуч келди. Хона ўртасида қизи, жигарбанди Озода қонга беланиб, жонсиз ётарди...

Кейинчалик тергов жараёнида Фирдавс педагог иштирокида қуйидагиларни гапириб берди:

— Мен 5 ёшдан ошганман, синглим Меҳноз эса 3 ёшларга кирган. Олдин онамининг оталари Ҳамроқул бобомнинг уйида яшардик, 2001 йил ноябрда «дом»га кўчиб келдик. Отам онамни кўп урарди. Онам ишлар, отам ишламасдан уйда ўтирар эди. Ўша куни онам ош қилди, бирга едик. Мен диванда, ота-онам синглим билан пастда ётардик. Бир пайт онамининг қаттиқ бақирганидан уйғониб кетдим. Қарасам отам онамни ураётган экан, онам бақириб мен ётган жойга келди, боши қонаган эди, шу пайт отам қўлидаги болга ва пичоқ билан онамининг ҳамма жойига ураверди. Онамининг ҳамма жойидан қон оқарди. Синглим икковимиз кўрққанмиздан бақириб йиғлардик. Бечора онажоним жон ҳолатда эди.

Мен эшикни ёпдим. Кейин онамининг олдига келиб: «онажон, диванга чиқиб ётинг, қонларингизни ўзим тозалаб қўяман», дедим. Онам қимирламади. Синглим икковимиз эрталабгина онамининг бошини силаб, йиғлаб чиқдик. Синглимга «онам ухлапти, эрталаб туради», дедим. Эрталаб юзларини силасам, совуқ экан. Нафас ҳам олмапти. Кейин синглимнинг етаклаб кўчага чиқдим. Қўзил «Жигули» келиб қолди. Шоёр амаки бобомни танир экан, олиб бориб қўйдим...

— Озода менинг учинчи қизим бўлади, — дея кўрғазма беради жабрланувчи Ҳ.Ҳамидов. — 1995 йилда Самарқанд тумани Оҳалик қишлоғида яшовчи Боймирзаев Ўткирга турмушга берган эдим. 1996 йилда ўғли Фирдавс, 1998 йилда қизи Меҳноз турилди. Аввалига куёвинининг отасига тегишли уйда яшаб юришди. Кейин мен ўз уйимдан иккитасини уларга бериб қўчириб келдим. Оиласи нотинч эди. Куёвим кўп ичар, кейин қизим жанжалқиларди. Аввалига аралашмадим. Жанжал эса қундан-қун кучайиб, қизимни қунора урадиган одат чиқарди. Сентябрь ойида уриб, жароҳат етказди. Биз милицияга арз қилдик. Иш судга ошди. Бу вақтда куёвим отасиникида яшарди. 30 октябрь куни кечаси келиб мен билан жанжал қилди, муштлашдик. Мен ҳам милицияга арз қилдим. Жиноят иши кўзғатилди. Шунда ҳам кеңириб, Товуқ-

Боймирзаев 20 йилга озодликдан маҳрум этилди.


Мана, бир жиноят тафсилоти. Қанчалик дахшат, қанчалик азоб бўлса-да, шундай воқеалар учраб турибди. Ҳуқуқшунос сифатида жиноятчи қилмишига яраша қонуний жазосини олганлигини таъкидлаш қийин эмас. Бирок, жамиятимизда учрайдиган бундай ҳолатлар кишини уйлантиради. Ҳар доим жиноят тафсилоти ўрганилганда унинг келиб чиқиш сабабларини ўрганамиз. Гувоҳ бўлганимиздек, бу оилада сабаби арзимас бўлса-да, жанжал бўлиб турган. Бирок, ота-оналар балким, яхши бўлиб кетар, деган илмижда насихатдан нарига ўтишмаган. Марҳум ишлаган қишлоқ фуқаролар йиғини мутасаддилари ҳам унинг оилавий жанжалларига бефарқ қарашган. Ҳўш, энди нима бўлади? Бир томондаги ота-она қизининг доғида қуяди, иккинчи томондаги эса ўғлининг қилмишидан қадди букилди, бунинг устига йиғирма йиллик жазо... Энг дахшатлиси, энди эсини таниётган Фирдавс ва Меҳнознинг шуурида ўша дахшатли воқеалар бир умр муҳрлиб қолди. Бу дахшатли туш каби уларни таъйиб этаверди. Улар ҳам бахтли болалиқдан, ҳам она-онадан ажралишди... Бу гўдақларнинг айби нима?!

Ҳаётга ҳушёрлик назар ташлайлик, азиз юртдошлар...

И. ХОЛБЕКОВ,

Самарқанд вилоят прокурорининг ўринбосари





АЖАЛ «ТОПИЛМА»СИ

Иккинчи жаҳон урушидан кейин ярим аср ўтган бўлса-да, ҳамон у ўзининг оғир асоратларини кўрсатиб турибди. Россиянинг Анапа шаҳридаги туғруқхоналарнинг бири яқинида котлаван қазийш вақтида ўша вақтда портламай қолган авиация бомбаси топилган. Хозирда топилмага яқин joyлашган бинолардан барча кишиларни эвакуация қилишга тўғри келди. Мазкур ҳудуд шаҳар милицияси томонидан тўла назоратга олинган бўлиб, айни дамда бомбани зарарсизлантириш ишлари олиб борилмоқда.

АДВОКАТНИ СЎРОҚ ҚИЛИШМОҚДА

Россия оммавий ахборот воситаларининг хабарига кўра, Москвадаги театр марказида содир этилган террорчилик ҳаракатларидан жабрланган кишиларнинг манфаатларини ҳимоя қилаётган адвокат Игор Трунов шаҳар прокуратурасида кўргазма беришдан бош тортган. Маълум қилинишича, адвокатга гаровдагиларни озод қилиш лавҳалари тасвирланган видеотасмаларга тааллуқли 4 та саволга ёзма равишда жавоб бериш таклиф қилинган. Терговчиларни, хусусан, ушбу видеотасмалар қай йўл билан Труновнинг қўлига тушиб қолганлиги қизиқтирмоқда. Адвокат судда ушбу видеоёзувлардан гаровдагиларга жисмоний ва маънавий зиён етказилганлигини исботлашда фойдаланмоқчи эди.

МИТТИ ТАДҚИҚОТ

Моддама-модда овоз бериш йўли билан қабул қилинди. Бу тарихимиздаги буюк воқеадир. Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги унинг Конституциясида тантанавор тарзда мустаҳкамлаб қўйилди.

Хар бир давлатнинг барча учун мажбурий бўлган юридик қондалар мажмуи, ўз ҳуқуқ тизими мавжуд. Бу қондалар орасида Конституция асосий ўринни эгаллайди. Қонун ҳақида ёзаяпману, миямини бир савол чулба олади. Қадимда ҳам қонунлар бўлганми? Бу саволга жавоб топиш учун яна тарихга мурожаат қилдим.

Милоддан аввалги иккинчи минг йиллик бошларида Бобил подшоиси Хаммурапи йирик давлат тузиб, бу давлатни ўзи тузган қонунлар асосида бошқарган. Қонунлар тўплами икки ўз қирқ етти моддадан иборат бўлиб, у кириш, қонунлар ва ҳулосадан иборат бўлган. Бу қонун мени шуниси билан ўзига жалб қилдики, қадимда ҳам табиат муҳофазасига алоҳида эътибор билан қаралган экан. Шунинг билан бирга, Қуръони Каримда ҳам ҳамиша шарият қонунларига риоя қилиш талаб этилган. Буюк саркарда, лашкарбоши Амур Темур ўзининг "Тузуқлари"да ҳам қонун устуворлиги ҳақида фикр юритади.

САЙЛОВ — СИНОВ ДЕМАК

Чехияда ўтказилган президентлик сайловларининг учинчи босқичи самарасиз якунланди. Гап шундаки, номзодлардан бири Вацлав Клаусга галабага эришиш учун 28 овоз етмади, холос. Хабарларга қараганда, сайловларда парламентнинг икки палатаси аъзолари иштирок этиб, уларнинг сони жами 281 кишини ташкил этган. Клаус учун 113 киши ўз овозини берган, унинг рақибни Петр Питгарт эса 84 нафар овоз йиққан. Бироқ, Чехия Конституциясига биноан галаба учун Клаус 141 нафар кишининг овозига эга бўлиши лозим. Президент сайловларининг қайта ўтказилажак санаси ҳозирча номаълум.

ЙЎЛДАГИ ҲАЛОКАТ

Россиянинг Мурманск вилоятида темир йўл устига қурилган кўприкда 2 та йўловчи автобус тўқнашиб кетди. Фалокат оқибатида 2 киши ҳалок бўлди, 12 киши жароҳатланди. Вилоят фуқаро мудофааси ва фавқулодда вазиятлар бошқармасидан маълум қилишларича, «Волво» маркали 1-автобус Мурманск-Кировск, «Лиаз» маркали 2-автобус Кировск-Титан посёлкаси йўналиши бўйича йўловчиларни олиб кетаётган эди. Дастлабки тахминларга қараганда, «Волво» ҳайдовчиси машинани бошқара олмай, қарама-қарши йўлга чиқиб кетган.

УРУШГА ҚАРШИ НАМОЙИШЛАР

Якшанба куни Америка Қўшма Штатларининг пойтахти Вашингтонда Ироқка қарши ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш шiori остида норозилик намоийшлари бўлиб ўтди. Намоийшлар Ок уй, ФКБ ва Адлия вазирлиги бинолари олдида ўтказилди. Айни ҳаракат натижасида тўс-тўполон юзага келганлиги сабаб икки киши оғир тан жароҳати олди. Намоийшчилардан 16 нафари турли ҳуқуқбузарликларда айбланиб, полиция томонидан хибсга олинган. Айтиш жоизки, АҚШдан ташқари айни турдаги намоийшлар бошқа мамлакатларда ҳам бўлиб ўтмоқда. Вашингтон расмийларининг гапига қараганда хар бир фуқаро ўз фикрини эркин ифодалаш ҳуқуқига эга.

Америка Қўшма Штатларининг Ироқка қарши бир томонлама ҳарбий зарбаси Европа мамлакатларида ҳам долзарб мавзуга айланган. Францияда айни шу мавзудаги намоийшлар авж олган. Мамлакатнинг турли бурчакларида ўтказилаётган намоийшларда асосан Франция маъмурияти АҚШнинг бу ҳаракатини тўхтатиш борасида БМТ таъсир ўтказишга чақирилмоқда. Маълумки, Франция Хавфсизлик кенгашиининг доимий аъзоси бўлгани сабаб АҚШнинг қарорига ўз фикрини билдиришга тўла ҳуқуқи бор. Бу намоийшлар мамлакат раҳбарияти эътиборидан четда қолмади. Президент Жак Ширак шу масала борасида гапирар экан, агарда Вашингтон Ироқка қарши бир томонлама зарба берар экан, бу халқаро қонунларни бузиш бўлади, дея таъкидлади.

БИ-БИ-СИ «АЛ-ЖАЗИРА» БИЛАН ҲАМКОРЛИК ҚИЛАДИ

Би-Би-Си телерадиокомпанияси 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг дунё бўйича машҳур бўлиб кетган Қатарнинг «Ал-Жазира» телеканали билан ҳамкорлик қилиш тўғрисида шартнома имзолади. Битимга биноан томонлар бир-бирига турли-туман хизмат кўрсатишади.

«Ал-Жазира» ҳозирги кунда яқин шарқдаги энг машҳур каналдир. Битимга кўра Би-Би-Си «Ал-Жазира»нинг Кобулдаги йўлдош алоқа марказидан фойдаланади. «Ал-Жазира» эса, Би-Би-Си билан ҳамкорликда ўзининг инглиз тилидаги сайтини яратишни мўлжалламоқда. Ушбу сайт феврал ойида ишга туширилади.

ТАЙЁРГАРЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

Расмий Қоҳира маълумотига кўра, ҳарбий техника ва қурол-аслаҳа ортилган АҚШга қарашли бешта ҳарбий кема якшанба куни Сувайш каналидан ўтиб, Форс кўрфазига яқинида жойлашди. Канал раҳбариятининг хабарига кўра, кемалар бортида бронетранспортёрлар, танклар ва тўплар мавжуд. Шунингдек, мазкур канал орқали душанба куни икки француз ва иккита италян ҳарбий кемаси Форс кўрфазига худудига кириб борган.

ҳисоблашларди. Абдулла Қаҳҳорнинг «Даҳшат» ҳикоясини кўпчилигимиз ўқиганмиз. Ҳикоя шунчалик маҳорат билан ёзилганки, ўқиган сари ўқигинг келаверади. Ундаги биргина Унсин образи орқали мен ўша давр, унда яшаган миллатдошларининг аянчи тақдирини кўраман. Эндигина 14 ёшга кирган бу қизалоқ ўз эрки, ҳуқуқи учун ўлимга ҳам тик қараб борди. Хўш, нега? «Демак, инсон учун ўз ҳаётидан-да эрки афзалроқ экан-да!» деган фикр шу пайт миямга яшин тезлигида урилди.

АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ АСОСИ

Қонунни яхши ўрганган, ўз ҳуқуқларини тўла англаб етган шахсина ҳаётнинг мураккаб чигалликларини еча олади. XVII-XIX асрларнинг буюк мутафаккирлари Г.Гроций, Т.Гоббс, Ж.Локк, Н.Макиавелли, Э.Кант, Вольтер, Монтескье ва бошқалар одамларни ҳуқуқсизликка маҳкум этадиган ноинсоний қонунларни аёвсиз танқид қилишган. Улар инсон фақат адолатли қонун устун бўлган жамиятдагина ҳимояланган бўлиши мумкин деб

Албатта, дедим ўзимга ўзим. У мана шундай жасорати билан ўз тақдирини саҳифасига озоодлик, эрк номаларини олтин ҳарфлар ила битди. Дарҳақиқат, қуш учун олтин қафасдан кўра, ҳароба бўлса-да, ўз макони яхши. Унсин ҳам «триклар гўристонидан» ҳуқуқсиз яшайдан кўра даҳшатли гўристонда чой қайнатиб, ўз ҳуқуқига эга бўлишни афзал қўрди. Инсон ҳуқуқи, эрки учун энг нобў неъматдир. Шу ўринда бобокалонимиз Али-

Бугун давр олдимизга янги талаблар қўймоқда. Ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қуриш, унга муносиб бўлиш ёш авлод олдидаги асосий вазифадир. Бунинг учун эса биз ўз конституциявий ҳуқуқ ва бурчларимизни англаб етмоғимиз, қонунларга ҳурмат қайфиятда қамол томоғимиз талаб этилади. Гўлжаҳон НАМОЗОВА, Навоий шаҳридаги академик лицей ўқувчиси

НУҚУҚ
YURIDIK GAZETA

Ta' sischilar:
O'zbekiston Respublikasi
Bosh prokuraturasi,
Toshkent shahar va
Toshkent viloyati
prokuraturalari,
«Donun himoyasida» jurnali

Bosh muharrir:
Abduxoliq
ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:
Mels Naimov,
Dilshod Islomov
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Jahongir Sharofboyev
(mas'ul kotib),
Lola Shomurodova,
Hasan Inoyatov,
Muxtor Shodmonov.

Gazeta Davlat matbuot qo'mitasida №00150 raqam bilan ro'yxatga olingan.
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232.

Manzil: Toshkent shahri, akademik Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 133-82-34.
Reklama va e'lonlar: 133-82-34
E-mail: huquq@infonet.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalarga qaytarilmaydi.
Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin.
Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «Huquq»dan olinganligi ko'rsatilishi shart.
Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi.
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida ofset usulida A-3 formatda chop etildi.
Korxonaning manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Buyurtma Г - 3149
Nusxasi — 16217

Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi
Navbatchi muharrir: H. NISHONOV
Navbatchi: F.MAMASHARIPOV

Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8

Bosmaxonaga topshirish vaqti 20.00
Bosmaxonaga topshirildi 18.30

✓ KO'CHANING GAPI

Киссавур. Бу «касиб» эгаларининг кимлигини ва улар нима иш қилишини камдан-кам кишини айтмаганда деярли ҳаммаиш яхши биламиз. Халқ орасида уларнинг яна «чўнтаккесар», «ўғри» деган номлари ҳам бор. Бир сўз билан айтганда уларни гавжум жойлар: бозорлар, автобус ва трамвайларда кўп учратиш мумкин. Ораида уларнинг жабрини тортганлар ҳам анчагина топилади.


Бундай вазиятга тушишни ҳеч кимга раво кўрмайман-у, фараз қилинг, сиз бозор-ўчар учун анчагина пулни киссангизга солиб, бекатга чиқдингиз. Автобус ҳам келди. Бироз тиқилинч бўлса-да, бозорга тезроқ бориш учун сиқилиб-сиқилиб кириб олдингиз. Автобус юргач, ёнингиздаги йўловчиларнинг хатти-ҳаракатидан бироз нолигандай бўласиз. Бири сизга ўзининг бор юкини ташлаб суняиб олса, бошқаси сизнинг пинжингизга ҳадеб тиқилаверади. Шу ҳолатда бозорга ҳам етиб келдингиз. Автобусдан тушиб, қўлингизни чўнтагингизга соласиз. Биров устингиздан бир челак совуқ сув қуйиб юборгандек бўлади. Буни қарангки, тийинигача ҳисобли пулингизга қўшиб

ТЕШИК ЧҲНТАК БИЛАН КОЛМАНТ

йўл картокчангизни ҳам шилиб кетибди. Сиз жазавога тушасиз, ўғрининг гўрига ғишт қалайсиз. Киссангизга ўғрининг қўли кирганлигини сезганингизни, автобусдаги «йўловчилар» сизга бекорга тиқилмаганини ён-верингиздагиларга айтасиз. Лекин ҳаммаси бефойда. Мабодо ўғрини тутган тақдирингизда ҳам пулингизни қайтариб олишингиз даргумон. Чунки ўғри пулни аллақачон ўз шерикларига ўтказиб бўлган бўлади.

Одатда киссавурлар куз ва қиш фаслини яхши кўришади. Бу пайтда уларнинг эгчил бармоқлари жуда яхши «ҳосил» беради. Йўловчи ташини транспортларида фаолият кўрсатадиган «штатсиз кондукторлар» катта-катта пальто ва курткаларга ўраниб олган йўловчилардан унумли фойдаланишади. Улар олд ва орқа эшикларда туриб олиб, бирма-бир йўловчиларни «ўтказиб» юбораверади. Мўлжалга мос йўловчини сезиб қолишса, тезда уни ўраб олишади. «Операция» тугагач, яна тарқалиб кетишади.

Шу ўринда баъзи жабрланган-



ларнинг маслаҳатлари билан ўртоқлашсангиз фойдадан холи бўлмас деб ўйлаймиз.

Биринчидан, ҳеч қачон одамлар тирбанд бўлган жойлардан юрманг. Чунки бундай жойларда киссавурлар ҳар доим ҳозир унозир.

Иккинчидан, бошлигингиздан дашном эшитадиган бўлсангиз ҳам тиқилинч транспортга чиқа кўрманг. Чунки «штатсиз кондукторлар» сизни текшириб ўтказишга шай бўлиб туришади.

Учинчидан, иложи борича кенг ва катта кийимлардан воз кечиб, ўзингизга ёпишиб турадиган кий-

имлар, масалан жинси, кител ва бошқа кийимларни кийишга одатланинг. Чунки бундай кийимларнинг чўнтакларига киссавурларнинг моҳир, аслида қингир қўллари ки-

ДОНОЛАР ДЕМИШКИ...

Шарқ элининг донишманди, ахлоқ ғимининг отаси Луқмони ҳақим айтади:

— Барча юкни кўтардим, аммо бурчдан оғирроқ юкни кўрмадим. Барча лаззатни тотиб кўрдим, аммо саломатликдан чучуқроқ лаззатни тотмадим. Энг ширин лаззат соғ-саломатликда эканини англадим.

Олим ва донишманд Азиз ибн Муҳаммад Насафий айтади:

— Ҳақиқий ва қомил инсон ёмон хислатлардан, маъқул ва марғуб бўлмаган хулқ-атвордан пок бўлади. Ғўзал сифат ва ахлоқ билан ўзини ораста қилади. Ҳалол меҳнат қилиб умр кечиради. Ёмонлардан четлашади, яхшилар қаторидан жой олади. Ҳеч кимга озор бермайди, эл гулзорига кириб берухсат бирорта гул узмайди. Камчиликларини кўрсатганлардан миннатдорлик инсоннинг халос ва нажоти сабабчи-сидир.

ФОЗИЛ



СКАНВОРД

				→	Сув эмас, ичмасди				
					Непез	→			
							→	Тог	
								Помо	Бўзроғига боқилган мол
					Боёш	↑			
					Уларини	←			
					Тақоррорлаш				
					Автомобиль русуми				Тяг тоғ
					Ер ўлчиши				
					Ҳикматан сўз	→			
									Тямоч
									Нога
									Соқле
					Ч. Айматов асар				
					Журнал				Хови
					Қаза	→			Учов биринчи
					Палар	→			Мазина летан
									Мансаб (қадимла)
					Мавзун				Май
					Бошав	←			
									... Бисмарк
					Мабар				
					Катта йўл	→			
					... Гутенберг	→			
					Эмаз қалам				
					Саньат тури	↓			
					Кув эйишти				
					Муқофот				
					Оғир	←			
					Юк				
					Нога				



Сен каби хушовоз қайда бедана?
А. ТУРАЕВ олган сурат

✓ BIR CHIMDIM KULGU

— Ойижон, мен туғилганимда сиз қаерда эдингиз? — сўради Абдураим.
— Қаерда бўлардим. Туғруқхонада эдим-да.
— Далам-чи, у қаерда эди?
— Даданг далада ишда эдилар.
— Доим ахвол шу,— деди Абдураим аччиқланиб. — Бирон-та каттароқ ҳодиса юз берадиган бўлса, уйда ҳеч ким бўлмайди.



Кичкина Нодир биринчи марта қишлоққа келди. Кечкурун бундай қараса, бувиси хўрознинг патини юлаётган экан.
— Бувижон, бу хўроз ҳали жуда ёшми?
— Йўқ, бу ахир катта хўрозку!
— Бўлмаса уни нега ечинтириб қўяялсиз?



— Мамарайим, нега мактабга кир қулоқларинг билан келсан? — сўради ўқитувчи.
— Чунки менда бошқаси йўқда,— ҳозиржавоблик билан деди Мамарайим.

✓ BU AJIB DUNYO

ЭНГ КЕКСА ГАЗЕТХОН

Сайёрамизнинг энг кекса кишиларидан бири, россиялик Афанасий Тарасов жума куни 116 ёшга тўлади. Ҳозирда Владивосток шаҳрида яшаётган Афанасий-Иванович 1887 йили дехқон оиласида туғилган. Ёшлигида дехқончилик қилган, инжилобдан сўнг қурувчи бўлиб ишлаган. Бутун умри давомида Афанасий Тарасов бир марта уйланиб, кампири билан 60 йил бирга умргузаронлик қилган. Тарасовнинг ёлғиз ўғли айни пайтда 69 ёшда, невараси 45 га кирган, звараси эса яқинда 24 га кирди.
Яқинларининг сўзларига кўра, оила бошлиғи ҳеч қачон касал бўлмаган, дори ичмаган, парҳез қилмаган. У ёшига нисбатан анча тетик: чой ичиб, газета ўқишни яхши кўради.

9 - саҳифа

Азизов китти ҳикоят
лаззатини билмайди,
Балисов тўлов китти
ғўлини ҳизини
сезмаганидек.

Абу-л-Қосим Махмуд аз-ЗАМАХШАРИЙ

БҮШ ВАҚТГА МАЗМУН НАҚД